

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Андижон шаҳар ҳоким биринчи  
ўринбосари :

Б.Хошимов



## **ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ**

**2022 йилда Андижон шаҳар Хамдўстлик,  
Пистамозор, Ёйилма, Шифокор, Қоратут,  
Ўрикзор, Иқбол, Истиқлол ва Тўққиз арик  
МФЙларда ташки ёритиш электр товарлар  
жихозлари учун**

2022 год

## **Танлаш бўйича Техник Шартлар**

**Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:**

**ишрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун қуйидагича: Тўловлар : сумда амалга оширилади**

**ҳисобт китоб пул ўтказиш йўли билан амалгат иширилади**

**Танлаш иштирикчиси таклифни давлат тилида фақат ўзбек тилида берилсин**

**Ҳужжатларни асл ҳолатидек жойлаштириш талаб этамиз  
техник топшириқ;**

**Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;**

**танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбур.**

**Бюджет ташилотимиз харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.**

**Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.**

**Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган лот бўйича электронни ҳолатда тақдим этилади.**

*Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг ишнинг хизматнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.*

*Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.*

*Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.*

*Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.*

*Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.*

*Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар баҳолаш учун очади. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошланғич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.*

*Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.*

*Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.*

*Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунда кўриб чиқилади.*

*Расмийлаштирилган хужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўғрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кундан*

*кечиктирмай давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталида жойлаштирилади.*

*Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ҳолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.*

*Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ҳолибининг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ҳолиб аниқланиши мумкин.*

*Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади*

*Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.*

*Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.*

*Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.*

*Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.*

*Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай жойлаштирилади.*

*Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш*

*иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.*

*Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида голиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.*

*Голиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги голибга ўтади. Бунда захирадаги голиб голиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги голиб таклиф этган нарх голиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.*